

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН

Ҳ У К М

2026 йил март ойининг 2 куни жиноят ишлари бўйича Пайариқ туман судининг очик суд мажлиси суд биносида бўлиб, раислик қилувчи Э.Ш.Олмосов, судья ёрдамчиси С.А.Ҳамидовнинг котиблигида, тарафлардан давлат айбловчиси Пайариқ туман прокурорининг катта ёрдамчиси Қ.Хидоятлов, фуқаровий даъвогар Б.Маматқулов, судланувчи Н.Умаров ва унинг ҳимоячиси “Юлдуз” адвокатлик фирмасининг адвокати У.Зариповнинг иштирокида, судланувчи Умаров Норбой Алиқуловичга нисбатан 1-1412-2601/75-сонли жиноят ишини кўриб чиқди.

Иш ҳужжатларига кўра:

Умаров Норбой Алиқулович (Umarov Norboy Aliqulovich) 1966 йил 7 январь куни Самарқанд вилояти Пайариқ туманида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, маълумоти олий, оилали, 3 нафар фарзанди бор, муқаддам судланмаган, Пайариқ тумани 47-сонли умумтаълим мактаби ўқитувчиси, Пайариқ тумани “Бошчўрош” маҳалла фуқаролар йиғинида яшайди, иш бўйича “муносиб хулқ атворда бўлиш ҳақидаги тилхат” эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов хулосаси нусхасини 2026 йил 18 февраль куни олган, руҳан соғлом.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 229¹-моддаси 2-қисми билан айбланган.

Суд, судланувчи, фуқаровий даъвогар ва гувоҳнинг кўрсатувларини, тарафларнинг музокараси ҳамда судланувчининг охириги сўзини тинглаб, тўпланган далилларни текшириб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:

Судланувчи Умаров Норбой Алиқулович, ғаразгўйлик ва бошқа манфаатларни кўзлаб, бошқарув тартибига қарши жиноятлар туркумига кирувчи – суғориладиган ер участкаларини уларда қурилиш ишларини амалга оширган ҳолда ўзбошимчалик билан эгаллаб олишда ифодаланган тавсифланиши жихатдан оғир жиноятни қуйидаги усул, вақт ва ҳолатларда қасддан содир қилган.

Судланувчи Умаров Норбой Алиқулович Пайариқ тумани, “Бошчўрош” МФЙда истиқомат қилиб келиб, мазкур ҳудудидаги “Гултож саховат” ФХ ҳисобида бўлган қишлоқ хўжалиги харитасининг 464к-рақамли контуридаги 58.7 балл бонитетли суғориладиган майдонидан 0,12 га. ер майдонини ўзбошимчалик билан эгаллаб олиб, 2025 йилнинг июль ойидан ҳозирги кунга қадар 224 кв. метр ҳажмда уй-жой биноси қуриши оқибатида, ушбу суғориладиган ер майдони қишлоқ хўжалиги муомаласидан чиқиб, яроқсиз ҳолатга келтирилганлиги натижасида давлат манфаатларига 20 млн. 498 минг 916 сўм зарар етказилган.

Судланувчи Н.Умаров судда, айбига тўлиқ иқрорлик билдириб, у Пайариқ тумани “Бошчўрош” МФЙ ҳудудидаги “Гултож саховати” фермер хўжалигида 0,12 га ер майдонини оғзаки келишув асосида олиб узум етиштириш фаолияти билан шуғулланиб келганлиги, ер майдонида асосан қора қишмиш навли узум етиштирилишини, узумлар йилнинг август ойида пишиб



етилганидан сўнг уни қуришиб майиз қилинишини, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 21.02.2022 йилдаги ПҚ-138-сонли қарори ижроси юзасидан Пайариқ туман Кадастр агентлиги туман бўлими ходимлари томонидан “Бошчўрош” маҳалласида ер назорат тадбири амалга оширилган вақтида, мазкур маҳалла ҳудудида жойлаган “Гултож саховат” фермер хўжалиги ҳисобида бўлган қишлоқ хўжалиги харитасининг 464қ-рақамли контуридаги 58.7 балл бонитетли суғориладиган майдонидан 0,12 га. ер майдони ўзбошимчалик билан эгаллаб олиб, 2025 йилнинг июль ойидан ҳозирги кунга қадар 224 кв. метр ҳажмда уй-жой биноси қурганлиги аниқланганлиги, ҳақиқатдан ҳам у “Бошчўрош” маҳалласи ҳудудидаги қишлоқ хўжалиги харитасининг 464қ-рақамли контуридаги 0,12 гектар суғориладиган ер майдонини эгаллаб олиб, шундан 224 кв.метр ҳажмда уй жойни 2025 йилнинг тахминан июль ойида қурганлиги, мазкур қурилиш ишларини амалга оширишидан мақсади, ҳозирда яшаб келаётган уй-жойи кичиклиги, уйи бор-йўғи 3 та хонадан иборат эканлиги ҳамда кенжа фарзандини ҳам уйлантириш режалаштирилганлиги сабабли тўнғич фарзандини алоҳида чиқариш учун унга уй-жой қуриб бермоқчи бўлганлиги, Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекцияси Самарқанд вилоят бошқармасининг 12/4032-сонли хатида “Бошчўрош” МФЙ ҳудудидаги “Гултож саховати” фермер хўжалиги ҳисобида бўлган қишлоқ хўжалиги харитасининг 464қ-рақамли контуридаги 58.7 балл бонитетли суғориладиган майдонидан 0,12 га. ер майдони ўзбошимчалик билан эгаллаб олиб, 2025 йилнинг июль ойидан ҳозирги кунга қадар 224 кв. метр ҳажмда уй-жой биноси қурганлиги оқибатида, мазкур ер майдони қишлоқ хўжалиги муомаласидан чиқарилганлиги натижасида давлат манфаатларига жами 20.498.916 сўм миқдорида зарар етказганлиги аниқланганлиги, айбига тўлиқ иқрорлигини, етказилган зарарни тўлиқ қоплаб берганлигини, ўзига нисбатан қонуний енгиллик берилишини сўраб кўрсатув берди.

Судланувчи Н.Умаров судда айбига тўлиқ иқрорлик билдириб кўрсатув берганидан ташқари, унинг айби жиноят иши бўйича сўроқ қилинган фуқаровий даъвогар ва гувоҳ иш ҳужжатларида мавжуд суд терговидида таҳлил қилиниб, ўқиб эшиттирилган қуйидаги далиллар йиғиндиси билан, яъни:

- судда сўралган фуқаровий даъвогар Б.Маматқулов, Н.Умаров Пайариқ тумани, “Бошчўрош” МФЙ ҳудудидаги “Гултож саховат” ФХ ҳисобида бўлган қишлоқ хўжалиги харитасининг 464қ-рақамли контуридаги 58.7 балл бонитетли суғориладиган майдонидан 0,12 га. ер майдони фуқаро Умаров Норбой Алиқулович томонидан ўзбошимчалик билан эгаллаб олиб, 2025 йилнинг июль ойидан бошлаб 224 кв. метр ҳажмда уй-жой биноси қурилиши оқибатида, ушбу суғориладиган ер майдони қишлоқ хўжалиги муомаласидан чиқиб, яроқсиз ҳолатга келтирилганлиги натижасида давлат манфаатларига 20.498.916 сўм зарар етказилганлиги, ҳозирда, Н.Умаров томонидан ноқонуний қурилишлар натижасида давлат манфаатларига 20 млн. 498 минг 916 сўм етказилган зарарлар тўлиқ қопланганлиги, судланувчига қисман даъвоси борлиги, қонуний қурилгани бузишни сўрашлиги ҳақидаги;



- судда сўралган гувоҳ О.Ялгашев, у 2021 йилнинг май ойидан бошлаб Кадастр агентлиги Пайариқ тумани бўлимида етакчи инспектори лавозимида ишлаб келишини, хизмат вазифаларига тоифаларидан қатий назар уларни назорат қилиш, давлат руйхатидан ўтказишни таъминлаш, ер участкаларни ноқонуний равишда егаллаб олиш ҳолатларини олдини олиш ва бошқалар киришини, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 21 февралдаги “Ер участкаларидан фойдаланишда давлат назорати самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-138-сон қарорида Кадастр агентлиги ер тоифасидан қатъи назар барча турдаги ер участкалари ҳамда бино-иншоотларга бўлган ҳуқуқларни давлат руйхатидан ўтказмаслик ҳолатларини аниқлаш, ер участкаларининг ўзбошимчалик билан эгаллаб олинишига ва чегараларини ўзбошимчалик билан ўзгартиришга йўл қўймаслик чораларини кўриши, ердан мақсадли фойдаланилиши устидан давлат назоратини кучайтириши белгиланганлиги, шунга кўра, Ўзбекистон Республикаси Ер кодекси, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 21 февралдаги ПҚ-138-сон қарори ижроси юзасидан ўтказилган назорат тадбирларида “Бошчўрош” МФЙ ҳудудидаги “Гултож саховат” ФХ ҳисобида бўлган қишлоқ хўжалиги хартиясининг 464қ-рақамли контуридаги 58.7 балл бонитетли суғориладиган майдонидан 0,12 га. ер майдони фуқаро Умаров Норбой Алиқулович томонидан 2025 йилнинг июль ойида 220 кв. метр ҳажмда уй-жой биноси қурилиши натижасида давлат манфаатларига 20.498.916 сўм зарар етказилганлиги аниқланганлиги ҳақидаги

Бундан ташқари, жинойт ишини кўзғатиш қарори, тушунтириш хати, далолатнома, Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекцияси Самарқанд вилоят бошқармаси томонидан 2025 йил 7 ноябрдаги маълумотнома, ходиса жойини кўздан кечириш ҳақида баённома ва унга илова қилинган фотожадвал, сўроқ баённомалари ҳамда жинойт ишида мавжуд бошқа далиллар йиғиндиси билан тўлиқ ўз исботини топди.

Суд, юқоридаги дастлабки тергов органи томонидан тўпланган ҳамда суд мажлисида текширилган судланувчи Умаров Норбой Алиқуловичнинг айбини тасдиқловчи далилларни мақбул далиллар деб эътироф этди.

Суд, судланувчи Умаров Норбой Алиқуловичнинг айбловини муҳокама қилиб, суғориладиган ер участкаларини уларда қурилиш ишларини амалга оширган ҳолда ўзбошимчалик билан эгаллаб олишда ифодаланган жиноий ҳаракатини Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 229¹-моддаси 2-қисми билан тўғри квалификация қилинган деб ҳисоблайди.

Суд, судланувчи Умаров Норбой Алиқуловичга нисбатан жазо тайинлашда, унинг айбига иқрорлиги ва қилмишидан пушаймонлигини, муқаддам судланмаганлигини жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар деб, жазосини оғирлаштирувчи ҳолатлар мавжуд эмас деб ҳисоблайди.

Суд, судланувчи Умаров Норбой Алиқуловичга нисбатан жазо тайинлашда жазо тури ва муддатини белгилашда, у томонидан содир этилган жинойтнинг ижтимоий хавфлилик даражасини, жинойтнинг хусусияти ва келиб чиқиш сабабларини таҳлил қилиб, унинг айбига иқрорлиги ва қилмишидан пушаймонлигини, муқаддам судланмаганини инобатга олиб ҳамда Ўзбекистон



Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги қарорининг тушунтиришларига таяниб, жиноят оқибатида етказилган зарар тўлиқ бартараф этилмагани сабабли, унга нисбатан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 229¹-моддаси 2-қисми билан ЖКнинг 57-моддасини қўллаб, озодликни чеклаш жазоси тайинлашни, жазони Н.Умаровнинг Пайариқ тумани “Бошчўраш” маҳалла фуқаролар йиғинидаги яшаш уйида ўташни белгилашни ҳамда иш жойига бориши ва уй-жойига қайтиб келиш учун зарур бўлган вақтдан ташқари, қолган вақтда уй-жойидан чиқиш тақиқлашни, шунингдек унга нисбатан келгусида бошқа жинойий ҳаракатлар содир этишини олдини олиш мақсадида назорат қилувчи органнинг руҳсатисиз яшаш жойини ўзгартирмасликдан иборат қўшимча чеклашлар юклатишни, унга қўлланилган “муносиб хулқ-атворда бўлиш тўғрисида тилхат” эҳтиёт чорасини ҳукм қонуний кучга киргандан сўнг бекор қилишни лозим топди.

Суд, жиноят оқибатида етказилган зарарлар масаласини муҳокама қилиб, Н.Умаров томонидан Самарқанд вилоят прокуратурасининг депозит ҳисоб рақамига тўланган 20.498.916 сўм пулларни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Агросаноат Мажмуи устидан назорат қилиш инспекцияси Самарқанд вилояти бошқармаси ҳисобига ўтказишни лозим топади.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 454-457, 463, 465-468, 471-473-моддаларига амал қилиб суд,

Ҳ У К М Қ И Л Д И:

Судланувчи Умаров Норбой Алиқулович (Umarov Norboy Aliqulovich) Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 229¹-моддаси 2-қисмида назарда тутилган жиноятни содир этганликда айбли деб топилсин.

Умаров Норбой Алиқуловичга Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 229¹-моддаси 2-қисми билан ЖКнинг 57-моддасини қўллаб, 2 (икки) йил муддатга озодликни чеклаш жазоси тайинлансин.

Жазо судланувчи Умаров Норбой Алиқуловичнинг Пайариқ тумани “Бошчўраш” маҳалла фуқаролар йиғинидаги яшаш уйида ўташлиги белгилансин ҳамда иш жойига бориши ва уй-жойига қайтиб келиш учун зарур бўлган вақтдан ташқари, қолган вақтда уй-жойидан чиқиш тақиқлансин.

Умаров Норбой Алиқуловичга:

- назорат қилувчи органнинг руҳсатисиз яшаш жойини ўзгартирмаслик;
- Самарқанд вилоят ҳудудини тарк этмасликдан иборат қўшимча чеклашлар юклатилсин.

Умаров Норбой Алиқуловични хулқи устидан назорат олиб бориш Пайариқ туман ИИБ зиммасига юклатилсин.

Озодликни чеклаш жазосининг муддати маҳкум жазони ижро этиш инспекциясида ҳисобга қўйилган кундан бошлаб ҳисоблансин.

Умаров Норбой Алиқуловичга нисбатан қўлланилган “муносиб хулқ-атворда бўлиш тўғрисида тилхат” эҳтиёт чораси ҳукм қонуний кучга киргандан сўнг бекор қилинсин.



Судланувчи Н.Умаров томонидан Самарқанд вилоят прокуратурасининг депозит ҳисоб рақамига тўланган 20.498.916 сўм пуллар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Агросаноат Мажмуи устидан назорат қилиш инспекцияси Самарқанд вилояти бошқармаси ҳисобига ўтказилсин.

Хукмдан норози томонлар ўн сутка ичида шу суд орқали Самарқанд вилоят судининг жиноят судлов ҳайъатига апелляция тартибида шикоят, прокурор протест келтиришга, ҳукм қонуний кучга киргандан кейин кассация тартибида шикоят, прокурор протест келтиришга ҳақлидирлар.

Раислик қилувчи:
Нусхаси аслига тўғри.

(имзо)

Э.Ш.Олмосов

